



ИНСОН ҚАДРИ УЧУН

# DANG'ARA

Dang'ara tumani  
hokimligining gazetasi

Gazeta 1941-yil  
6-iyuldan chiqa boshlagan

№ 10  
(7644)

17.04.2023

## ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРЛАРИ АМАЛДА

«2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш буйича қўшимча чора-тадбирлар туғрисида»ги Президент



қарори туманда ижобий ҳал бўлмоқда. Катта Минглар МФИда ички йўллارни асфальтлаш давом этмоқда.

## ХАЛҚНИ РОЗИ ҚИЛИШ - АСОСИЙ МАҚСАД

Одамларнинг оғирини енгил қилиш, дардига дармон бўлиш, муаммоларини ҳал этиш, энг муҳими, халқни рози қилиш бугуннинг шорига айланган.

Туман ҳокими Ш. Тожиҳақимов томонидан ўтказилаётган фуқаролар қабулида ҳам ана шу принципга амал қилинмоқда. Ҳар галги қабулда фуқаролар мурожаатлари тингланиб, муаммолар тегишли соҳа мутасаддилари билан биргаликда ижобий ҳал этилмоқда.



Туманда фуқаролар мурожаатлари, шикоят ва таклифлари ўз вақтида ўрганилиб, уларни ҳаётдан рози бўлиб яшаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилган

## КИТОБХОНЛИК ХАФТАЛИГИ

Туман ахборот-кутубхона марказида «Китобсевар миллат» шиори остида III-Республика «Китобхонлик ҳафталиги» тадбири ўтказилди.



Тадбирда соҳа мутахассислари, атоқли шоир ва ёзувчилар, китобхонлар билан биргаликда кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди. Унда сўз олганлар юртимизда аҳоли, айниқса, ёшларда китобга қизиқиш, мутолаа маданиятини юксалтириш тобора муҳим аҳамият касб этиб бораётганлигини таъкидлаб, китобни инсон қалбида Ватанга муҳаббат, юртга садоқат, одамларда меҳр-оқибат туйгуларини камол топтиришдаги ўрни ҳақида тўхталиб ўтдилар.



Тадбир жараёнида ахборот-кутубхона марказининг энг кўп китоб ўқиган фаол китобхонлари кутубхона томонидан ташаккурнома билан тадқирландилар.

**С. ЭРНАЗАРОВА,**  
туман ахборот-кутубхона маркази раҳбари.

Президент қарорига асосан Тумор МФИда 300 дан ортиқ хонадонларни тоза ичимлик суви билан таъминлаш чоралари кўрилмоқда.





## ЭНДИ КОМПЕНСАЦИЯ ТЎЛАНАДИ

Янги тахрирдаги Меҳнат кодекснинг 333-моддасида иш берувчи иш ҳақи тўлаш кечиктирилгани учун ходим олдида моддий жавобгар бўлиши белгиланди.

Унга кўра, иш берувчи иш ҳақини, таътил тўловларини, меҳнат шартномаси бекор қилингандаги тўловларни ва (ёки) ходимга тўланиши лозим бўлган бошқа тўловларни тўлаш муддатини бузган тақдирда, уларни тўлов муддатидан кейинги кундан эътиборан то ҳақиқатда ҳисоб-китоб қилинган кунни ўз ичига олган муддатгача ҳар бир кечиктирилган кун учун Марказий банкининг ўша вақтда амалда бўлган қайта молиялаштириш ставкасидан келиб чиққан ҳолда фоизлар (пулли компенсация) билан бирга тўлаши шарт бўлади. Мазкур пулли компенсацияни тўлаш мажбурияти иш берувчининг ойлик иш ҳақини ёки ходимга тўланиши лозим бўлган бошқа тўловларни тўлашнинг кечиктирилишида айби бор-йўқлигидан қатъий назар юзага келади. Шунингдек, ушбу кодекснинг 253-моддасига кўра, ходимларга иш ҳақи тўлаш муддатлари жамоа шартномасида ёки ички ҳужжатда, улар мавжуд бўлмаганда эса меҳнат шартномасида шарт қилиб кўрсатилган муддатларда белгиланади ва ҳар ярим ойда бир мартадан кам бўлиши мумкин эмас.

Ходимларга ойлик иш ҳақи, қонда тариқасида, 16 кундан кўп бўлмаган танаффус билан икки қисмга бўлинган ҳолда (бўнақда ва қолган қисми миқдорида) тўланади.

**И.ТЎХТАСИНХЎЖАЕВ,**  
туман адлия бўлими  
бош маслаҳатчиси.

## ЖИНОЯТЧИЛИК: САБАБ, ШАРТ-ШАРОИТЛАР ВА АҲАМИЯТ

Жиноятчилик сабабларини тушунтиришга оид ижтимоий адабиётларда асосан икки йўналиш: биологик ва социологик йўналишлар фарқланади. Аммо масалага яқиндан қарайдиган бўлсак, улардан ташқари, бошқа бир қанча таълимотларни ҳам кўришимиз мумкин.

Жамиятда барқарорлик, тинчлик ва оқилолликни қарор топтириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш мамлакатни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан янада ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш, ҳуқуқий демократик давлат қуриш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлардан кўзланган мақсадларга эришишнинг муҳим шарти ҳисобланади. Фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жамоат тартибини сақлаш, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикаси бўйича республикада яхлит ҳуқуқий тизим яратилган бўлиб, унда ички ишлар органлари муҳим ўрин эгаллайди. Утган давр мобайнида ички ишлар органлари тизимини такомиллаштириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Айниқса, ички ишлар органларининг маҳаллаларда жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш учун ташкил этилган қуйи бўғинини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш бўйича салмоқли ишлар қилинди. Бугунги кунда юзага келаётган хавф-хатар ва таҳдидлар, аввало, халқаро терроризм, диний экстремизм, ноқонуний миграция, одам савдоси, ёшлар ўртасида халқимизга ёт ғоялар тарқалишининг тобора кучайиб бораётганлиги ички ишлар органлари олдида янги вазифаларни қўймоқда.

Жиноятларнинг содир этилиши сабаблари, шахсда гайриижтимоий ҳуқуқ-аъвоҳ ва хусусиятларнинг шаклланишига ҳамда турли кўринишдаги ҳуқуқбузарликлар содир этилишига, қонунга ёки қонун ижросига путур етказадиган, унга риоя қилишга тўсқинлик қиладиган омиллар оиладаги муҳит таъсирида юзага келади.

Бу турдаги ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиш сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этишга, айрим тоифадаги шахсларни аниқлаш ва уларга профилактик таъсир кўрсатишга қаратилган махсус тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишга доир фаолияти ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси ҳисобланади.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи давлат органлари ва муассасалар томонидан қасддан баданга оғир шикаст етказиш жиноятларининг келиб чиқиш сабаблари ва унга имкон берган шарт-шароитларини ўрганиш; таҳлил қилиш орқали тўпланган маълумотлар асосида келгусида юзага келиши мумкин бўлган муаммоларнинг барвақт олдини олиш, содир этилишини камайтириш, содир этилиши юқори бўлган ҳудудларни аниқлаш, ушбу ҳудудларнинг хусусиятидан келиб чиқиб мақсадли профилактик чора-тадбирларни режалаштириш ҳамда амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

**Шохруҳ ЭРГАШЕВ,**  
ИИБ Академияси 3-курс 313-гурӯҳ курсанти.

## ОИЛА ХОТИРЖАМЛИГИ - ХАЛҚ ТИНЧЛИГИ

Оилада тинчлик ва оқилоллик ҳукм сурса, оила мустаҳкам, жамият ва халқ тинч бўлади. Эл-юрт тинч бўлса, мамлакат тараққиёти, фаровонлиги ортади. Оила нотинч бўлса, юртда тўй-томошалар татимайди. Зеро, қалб хотиржамлиги - оила хотиржамлигидир. Бунда оила аъзоларининг ҳар бирлари бир-бирлари билан ўзаро ҳурмат, иззатда бўлиши талаб қилинади.

Оила инсонни турли тартибсизлик ва келишмовчиликлардан ва уларнинг ёмон оқибатларидан асрагувчи бир қўргон бўлса, ўшандагина бу қўргонда хотиржамлик ҳукм суради. Аёлларнинг она, рафиқа, келинлик борасидаги бурчини тўла бажара олмаётганлиги, эркаклар билан биргаликда хорижга чиқиб кетаётганлиги оила хотиржамлигига раҳна солаётган омиллардандир. Ота ёки она йўқлиги фарзанд тарбиясида бўшлиқ ҳосил қилади, улар турли ёт ғояларга берилувчан, ичиш, чекишни одат қиладиган инсонларга айланади. Аста-секин улардаги бу одат ҳаёт маромига айланиб боради. Шундай оилаларда хотиржамлик йўқолади, демак, бир оиладаги ҳолат маҳаллага, бутун қишлоққа ва жамиятга салбий таъсир кўрсатади, натижада халқ тинчлиги бузилади.

Агар биз ота-оналар фарзандларимизнинг тақдирига бефарқ бўлмасак, уларни зарарли одаларга эмас, соғлом турмуш тарзига амал қилишга ўргатсак, бу борада аввало, ўзимиз ибрат кўрсата олсак, оиламиз хотиржам, халқ тинч бўлади.

**Шоҳистахон ҒОҒУРОВА,**  
туман ИИБ хотин-қизлар масалалари бўйича катта инспектори.

## ЮРИДИК ХИЗМАТНИНГ ЎРНИ

Марказлар томонидан хизмат кўрсатиладиган давлат органларининг юридик тусдаги барча ҳужжатларини ишлаб чиқиш, ўзаро келишиш, ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш ва қабул қилиш жараёнлари электрон шаклга ўтказилиб, барча ҳужжатларга автоматик тарзда рақам бериш тизими жорий этилган бўлиб, юридик таъминотга эга бўлмаган туман даражасидаги давлат органларига сифатли юридик хизмат кўрсатилиши таъминланди.

Марказдан ташкил этилган буюн марказлар томонидан қатор ижобий натижаларга эришилди. Малакали ва ёш ҳуқуқшунослар ўртасида ўзаро тажриба алмашиш тизими йўлга қўйилиб, барча йўналишлардаги мураккаб ҳуқуқий муаммоларни коллегиял тарзда ҳал қилиш имконияти яратилди. Юридик хизмат ходимларининг тўлиқ мустақиллиги таъминланиши орқали уларнинг иш фаолияти билан боғлиқ бўлмаган ишларга жалб этиш ҳолатларига барҳам берилди. Шунингдек, юристларнинг иши мақбуллаштирилиб, қоғозбозликка барҳам берилди ҳамда иш юритуви тўлиқ рақамлаштирилди.

**М. ҚОСИМОВ,**  
туман юридик хизмат кўрсатиш маркази бошлиғи.

## ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАЙМИЗ



Ишлаб чиқаришда ёнгининг келиб чиқишига кўпинча электр энергияси хавфсизлиги қондаларини кўпол равишда бузилиши, электр тармоқларининг яхши ҳимояланмаганлиги, ёнувчи моддаларни сақлаш талабларининг бузилиши ҳамда оловга нисбатан эҳтиётсизлик қилиш кабилар сабаб бўлади. Ишлаб чиқиш жараёнида ёнгин хавфсизлигини тўлиқ таъминлашда корхонанинг ёнгин хавфсизлиги бўйича тоифаланиши кифоя қилмайди. Бунинг учун ишлаб чиқаришда ёнгин ва портлашни келтириб

чиқарувчи хавфли омилларни мукамал ўрганиб чиқиш лозим бўлади. Биринчидан - корхонада ёнувчи моддаларнинг турлари ва уларнинг миқдори;

Иккинчидан - ишлаб чиқаришда ишлатиладиган моддаларнинг ишлатилиш тартиби;

Учинчидан - корхонадаги технологик ускуналардан ёнувчи моддаларнинг оқиб чиқишининг мавжуд сабаблари;

Тўртинчидан - ёнгин сабаблари ва унинг эҳтимолини, бинонинг лойihalаниш услубига ва йўналишига мойил бўлган пардозлаш йўллариининг жойланиш ҳолатларини аниқлаш даркор.

**Тоиржон ТУРДИЕВ,**  
«Қўқонбюкиме» АЖЕ  
ХТТЭБ 30-ЕҚҚ бошлиғи, майор.



## ТАВАККАЛЧИЛИККА АСОСЛАНГАН ҲАМ ҲАМНАФАС СЎЛБИЙ ОҚИБАТЛАРИ

Бугун шиддаткор тараққиёт замонидagi зврилишларда ўзига хос имкониятлар пайдо бўляпти. Шу билан бирга деярли барча соҳаларга сингиб улгурган ахборот технологияларининг кишилик жамияти учун зарарли жиҳатлари турли муаммоларни келтириб чиқараётганини ҳам тан олишимиз керак. Айниқса, ёшлар ўртасида таваккалчиликка асосланган турли ўйинларга қизиқиш ошиб борапти. Бу кўпга кўнгилсиз ҳолатларга, ҳатто фожияларга сабаб бўлаётгани ҳам ҳеч кимга сир эмас. Энг хавотирли жиҳати шундаки, бу ўйинлар ёшлар онгини илм олиш, касб-хунар сирларини пухта эгаллаш, меҳнат қилишдек тўғри мақсаддан чалғитиб, балки бир зумда бойиб кетаман, осмондан тушган ақчалар ҳисобига «шоҳона» яшайман, деган ҳавойи орзулар сари бошламоқда. Бунга эса аксарият таваккалчиликка асосланган ўйинларда пул тикиби, ютуқ олиш имконияти ваъда қилинган сабаб бўлмоқда.

Минг афсуски, таваккалчиликка асосланган ўйинларга берилишининг оқибатида иқтисодий муаммоларга нафақат ўйинчининг ўзи дуч келиши, балки унинг оиласи, яқинлари ва турфа вақларига ишониб қарз берганларнинг ҳув тушиб қоллиши билан боғлиқ ҳолатлар талайгина. Қолаверса, бу ҳолатлар инсон руҳиятига жиддий таъсир ўтказиб, биринчи навбатда умидсизлик ва ночорлик ҳиссиётларини келтириб чиқаради. Шунингдек, мутахассислар компьютер ўйинлари одамларнинг ҳар кунлик режимида айланиши депрессия, мигрень, ичак касалликлари ва стресс билан боғлиқ бошқа муаммоларни юзага келтириши мумкинлигини таъкидлашади.

Таваккал ўйинларга пул тикканларга ютуқ маблағини ўша фаолият тури билан шугулланувчи компания берадими? Йўқ, албатта. Бу маблағлар кимларнингдир мағлубияти ҳисобидан қопланишини яхши биламиз. Голиб мағлубдан бирор нарса оладилар ҳар бир ўйин эса қимордир. Муқаддас динимизда инсонлар ҳалол меҳнат қилиб пул топишга буюрилган. Бировни алдаб, хиёнат қилиб, муттаҳамлик йўли билан унинг мулкига эга чиқиш ҳаромдир. Қимор эса айнан шундай йўл билан пул топишдир.

Доно халқимиз тилидаги «Бировнинг ҳақи буюрмайди», «Ҳалолликда барака бор», «Текин пишлоқ қопқонда бўлади», «Меҳнатдан келса бойлик, турмуш бўлар чиройлик» сингари нақллар ҳаёт чигирликлариди эланиб-эланиб, барчани бирдек тўғрилиққа, ҳалолликка, эзгу амалларга чорламоқда. Таваккалчиликка асосланган ўйинларни ўйнаб бойиб кетганларни ҳеч ким билмайди, афсуски, хонавайрон бўлганлар ҳақида кўп эшитамиз. Аксинча, бундай ўйинларда кўп миқдордаги пулни ютказиб қўйиб, охири оқибат ўз жонига қасд қилаётганлар ёки жиноят кучасига кириб қолаётганлар бор. Бундайларнинг тақдири турмуш фаровонлигининг тилсими ҳалол меҳнатда эканлигидан сабоқ беради.

**З. МИРЗАЮНУСОВ,**  
вилоят Транспортда ХТБ  
ХПГ катта инспектори, майор.

## ҚУРИЛИШДА ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИ ТАЛАБЛАРИГА АМАЛ ҚИЛИНГ

Ўртимизни ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш мақсадида тадбиркорлар томонидан янги замонавий технологиялар мамлакатимизга олиб кирилмоқда. Тадбиркорлар томонидан объектларни қуриш жараёнида биноларнинг зилзилабардошлиги, мустаҳкамлиги ва ёнгин хавфсизлиги талабларини бажариш алоҳида ўрин тутди.

Қурилишда ёнгин хавфсизлиги талабларига риоя қилинг. Объектларни электр симлари қондаси талаблари асосида ўрнатилишига эътибор беринг. Объектларни бирламчи ёнгин учирлиш воситалари билан таъминланг. Қурилиш жараёнида носоз электр иситтичлардан фойдаланманг, вақтинча тортилган электр симларини ёнувчи материаллар орасидан олиб ўтманг. Биноларни ёнгиндан автоматик тарзда хабар берувчи сигнализациялар билан жиҳозланг. Носоз газ баллонларидан фойдаланманг.

Қурилишларда бинонинг мустаҳкамлигига эътибор берилиши, ёнгин хавфсизлиги талабларини тўлиқ бажариш сиз томонидан қурилган объектни муқаррар ишлашини, инсонлар ҳаёти ва соғлигини кафолатлайди.

Ҳурматли тадбиркорлар, юқоридагиларга тўла амал қилсангиз, халқимизнинг фаровон ва бахтли яшашига ҳисса қўшган бўласиз.

**Б. МУСАЕВ,**  
Учкўприк тумани ФВБ  
норматив техник бўлими бошлиғи, капитан.

## ДАВР БИЛАН ҲАМНАФАС

Маҳалла ҳам онанг, ҳам отанг деган ҳикмат бежиз айтилмаган. Маҳалла ва қишлоқларда жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш борасида профилактика инспекторининг фуқаролар билан ҳамкорлиги катта аҳамиятга эга.

Профилактика инспекторлари аҳоли муаммоларини яқиндан ўрганиш мақсадида «маҳаллабай», «хонадонбай» ва «фуқаробай» ишлаш тизимига ўтди. Улардан кутилаётган натижа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва унга барҳам беришдан иборат.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ҳуқуқ-тартиботни сақлаш ва мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари, унга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш ва бошқа вазифаларни ўз ичига олади.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат: шахсининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг ҳимоясини таъминлаш.


Бу борада профилактика инспекторидан катта билим, тажриба ва салоҳият талаб этилади. У фуқаролар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда илгари судланган шахслар, гиёҳванд ва алкогольлар, вояга етмаганлар билан махсус фаолият олиб бориши шарт. Шунингдек, яқна тартибдаги профилактика ишлар суҳбат, огоҳлантириш, мажбурий даволанишга юбориш, маъмурий назорат асосида амалга оширилади.

Профилактика инспектори ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш чоғида қонунийлик, инсонпарварлик, тизимлик, ишонтариш ва таъсир кўрсатиш принципларига амал қилади. Фуқароларнинг камситилишига, шаъни ва инсоний кадр-қиммати топталишига асло йўл қўймайди. Хизмат фаолияти давомида нурунийлар, фаоллар кўмагидан кенг фойдаланади. У замон билан ҳаммаҳанг ишлаш принципини илгари суради, Президент ва ҳукумат фармон ва қарорлари ижросини таъминлашда давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликни йўлга қўяди.

Бир сўз билан айтганда, профилактика инспектори давр билан ҳамнафас ҳолда ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликдан холи худуд яратиш учун астойдил курашади.

**Мухриддин ЭСОНАЛИЕВ,**  
ИИБ академияси 3-курс,  
314-гурӯх курсанти.

## ТЕМИР ЙЎЛ ХАВФЛИ ҲУДУД



2023 йилнинг 1-чораги давомида Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятлари ҳудудида жойлашган темир йўл кесилмаларида автотранспорт бошқарувчилари томонидан темир йўл кесилмаларини кесиб ўтиш қоидаларига амал қил-

маслиги натижасида темир йўл транспорти билан автомобилларни тўқнашиб кетиши 4 мартаба юз берган, булардан 4 та ҳолатда инсонлар жабрланиб, шифохонага ётказилган. Вилоятлар бўйича Наманган вилоятида 2 та, Андижон вилояти ва Фарғона вилоятларида 1 тадан шундай нохуш ҳолатлар бўлган.

Бундай ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида Фарғона ҳудудий филиали бош инспекторлари томонидан темир йўл яқинида жойлашган маҳалла фуқаролари йиғинларида, мактабларда, хусусий ва давлат ташкилотларида «Темир йўл хавфли худуд» мавзусида семинар йиғилишлар ўтказилмоқда.

Темир йўл бўйлаб янги контакт тармоғи қурилган бўлиб, электр поездлар ҳаракатланиши учун тармоқда 27,5 кв. электр қучланиши мавжуд, ундан юқори қучланишли электр токи ўтиши натижасида ушбу оқим бўйлаб электр магнит майдони ҳосил бўлиши ва ўз ўзидан шу тармоққа яқин бўлган барча металл қурилмаларда сингдрилган электр токи ҳосил бўлади. Шу боис ҳар хил металл конструкция ва жиҳозларга қўл теккизмаслик тавсия этилади.

«Ўзтемирйўлназорат» инспекцияси Фарғона филиали ходимлари ота оналардан ўз фарзандларига темир йўл яқинида мол-қўй боқмаслик, уйнамаслик, темир йўлида юрмаслик, станцияларда турган вагонлар остидан ўтмаслик ҳамда темир йўл таянчларига ўрнатилган чойнақлар (изоляцияр)ни синдирмасликларини таъкидлаб қолади.

**М. ЮСУПОВ,**  
«Ўзтемирйўлназорат» инспекцияси  
Фарғона ҳудудий филиали бош инспектори.



## ТАЪЛИМ ЯНГИЛИКЛАРИ

36-умумий ўрта таълим мактабида «Ўқувчиларни касб-хунарغا йўналтириш бўйича» туман миқёсида семинар ташкилланди. Семинар аввалида қатнашчилар мактабда йўлга қўйилган соғломлаштириш йўлакчалари ва ҳудудда барпо этилган «Яшил макон» лойиҳаси бўйича амалга оширилган ишлар билан танишдилар.



Мактабда ўқувчиларни касб-хунарغا йўналтириш борасидаги ишлар кўлами кенглиги семинарда алоҳида таъкидланди. Жумладан, новвойчилик, пазандачилик, каштачилик ва АКТни ўргатишда жамоа катта тажриба тўплаганлиги қайд этилди.

## УМУМХАЛҚ ОВОЗИ - ЯКУНИЙ ҚАРОР

Конституциявий ислоҳот бошланганидан буён фуқаролардан икки юз мингдан зиёд таклифлар келиб тушган ва мазкур таклифлар асосида янги Конституция лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Асосий қонундаги моддалар сони 128 тадан 155 тага, нормалар сони эса 275 тадан 434 тага кўпаймоқда.

Янгиланаётган Конституция «Инсон-жамиyat-давлат» тамойилига асосланиб, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари қонунларнинг, давлат органлари, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари, уларнинг мансабдор шахслари фаолиятининг мазмунини ва моҳиятини белгилаши аниқ кўрсатиб ўтилмоқда. Киритилаётган ўзгаришлардан бири бу - инсон билан давлат органларининг ўзаро муносабатларида юзага келадиган қонунчиликдаги барча зиддиятлар ва ноаниқликлар инсон фойдасига талқин этилиши белгиланмоқда.

Президент ваколат мuddати 5 йилдан 7 йилга ўзгартирилмоқда. Сенаторлар сони 100 нафардан 65 нафарга камаяди. Сенат ва қонунчилик палатасининг ваколатларида ўзгаришлар бўлади. Қонунчилик палатаси вазирларни ишдан олиш ҳақида Президентга таклиф киритиш ваколатига эга бўлади. Партияларнинг ролини ошириш учун аралаш сайлов тизимига ўтиш таклиф этилмоқда.

Яна бир муҳим ўзгаришлардан бири - ҳокимларнинг айна бир вақтда маҳаллий халқ депутатлари кенгаши раиси бўлмаслигидир.

Янгиланаётган Конституция халқпарвар давлат қуриш мақсадида кучли парламент, ихчам ва масъулиятли ҳукумат, мустақил ва адолатли суд тизимини барпо этишга қаратилган.

Амалда бўлган Конституциянинг 91 та моддасига концептуал ўзгаришлар киритилмоқда. Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди Конституцияни янги таҳрирда баён этишни асосли деб топди.

Конституциявий қонун Референдум яқунлари Марказий сайлов комиссияси томонидан расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Қонунчилигимизга кўра, умумхалқ овози яқуний қарор бўлиб хизмат қилади.

**Э.ОРТИҚОВ,**

Фарғона туманлараро маъмурий суди судьяси.

## «САЛОМАТЛИК САЙИЛЛАРИ» СТАРТ ОЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан мамлакатимиз бўйлаб «Саломатлик сайиллари» ўтказилмоқда.

Ташаббусга биноан юртимизда соғлиқни сақлаш соҳасида фаолият олиб бораётган нуфузли мутахассислар, шунингдек, 17,5 минг тиббий бригада ва 175 минг нафардан зиёд маҳаллий тиббиёт ходимлари иштирокида профилактик тиббий кўриклар, скрининг дастурлари ва соғломлаштириш тадбирлари ташкил этилмоқда. Шунингдек, иқтимоий ҳимояга муҳтож, сурункали касаллиги бор беморлар аниқланиб, уларга ҳудудларнинг ўзида белгиланган тартибда юқори технологик муолажалар орқали соғломлаштириш чоралари кўрилмоқда.

«Саломатлик сайиллари»да аҳоли оммавий тиббий кўрикларга жалб қилинади, тиббий ёрдамга муҳтож фуқароларга ихтисослаштирилган марказларнинг малакали мутахассислари иштирокида зарур амалиётлар бажариш кўзда тутилган. Бундан ташқари, «Тўғри овқатланиш ва соғлом турмуш тарзи» умуммиллий ҳаракати доирасида профилактик ва скрининг текширувлари ташкилланади.

Ушбу ташаббус юрдошларимизнинг инсон қадрини улуғлаш ва барча аҳоли қатламларига сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш мақсадида қаратилган.

Азиз юрдошлар! Соғлиқни сақлаш вазирлиги барчани «Саломатлик сайиллари»га таклиф этади. Уз соғлигингизга бефарқ бўлмаң!

**Иброҳимжон РЎЗИМатов,**  
шифокор.

**58-ДМТТда СОМ ва ЖССБ томонидан профилактик тадбирлар ўтказилди.**



## МАЪНАВИЯТ ДАРСИДА

Ёш авлоднинг кийиниши, юриш-туриши, сўзлашиши унинг маънавиятини белгилловчи омиллардан биридир. Шунингдек, миллий урф-одат, анъана ва қадриятларимизга хурмат бу миллатга, она Ватанга хурмат демақдир. Мактабимизда бу борада мунтазам равишда маънавий тадбирлар ўтказиб борамиз. Раҳбарлигимдаги 8-«а» синфда бу кундалик режимга айланган.



Яқинда Наврўз тарихига оид маънавий дарси ўтказдим. Унда ўқувчилар фаол иштирок этдилар. Улар Наврўзнинг келиб чиқиши, қайси халқларда қандай нишонланиши ва Наврўз таомлари ҳақида батафсил маълумотларга эга бўлиши билан бирга, узлари тайёрлаган баҳорий наъматларни ҳам намойиш этдилар.

**Одинахон ХАТАМОВА,**  
39-мактаб ўқитувчиси.

# DANG'ARA

**Муассис:**

Дангара тумани ҳокимлиги

**Бош муҳаррир:**

Ўқтамжон АКБАРОВА

**Манзил:** Дангара шаҳарчаси, Тошкент кўчаси, 124-уй

**Телефон:** (97) 555-62-10 | Газета ойда 3 марта чоп этилади

**Масъул навбатчи:**

Юлдузхон  
ЭРНАЗАРОВА

**Саҳифаловчи дизайнер:**

Абдуҳалилхўжа Абдувалихўжаев

Газета Фарғона вилояти Матбуот ва ахборот бошқармаси томонидан 2007 йил 9 январда 12-018-сонли рақом билан рўйхатга олинган.

**Ҳажми:** А-3. **Адади:** 1926 нусха.

**Нашр кўрсаткичи:** 64672

**Буюртма №** 8941.



Газета «**ЗАКОВАТ НАШРИЁТ УЙИ**» МЧЖ босмаҳонасида чоп этилди.

**Босмаҳона манзили:** Қосонсой шаҳри, Чорбоғ кўчаси, 17-уй.

Мақола ва хабарларда келтирилган маълумотлар учун муаллиф, газета сифати учун босмаҳона жавобгар.